



## ЎҚОТАР ҚУРОЛЛАРДАН ЎҚ ОТИШДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ЎҚ ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИК ТИЗИМИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОХИЯТИ

**Ш. Э. ТЎРАЕВ**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат Хавфсизлиги Университети  
“Ўқ отиш тайёргарлиги” кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7088766>

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> September 2022  
Accepted: 13<sup>th</sup> September 2022  
Online: 17<sup>th</sup> September 2022

### KEY WORDS

Дронлар, дрон “Байроқдор”, бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлиги, отиш курси.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада замонавий жанглари олиб боришда ўқ отиш тайёргарлигининг долзарблиги, шунингдек Миллий Гвардия бўлинмаларида ўқ отиш тайёргарлигини ўқитиш схемаси кўриб чиқилган.*

Ҳозирги куннинг долзарб муоммасыга айланган Украина ва Россия ўртасида кечаётган урушда турли ҳил қурол-аслаҳалар, ҳарбий техникалар ва дронлардан, шунингдек авиация ва артиллерия қурилмаларидан фойдаланилмоқда. Мисол учун, Туркия томонидан ишлаб чиқилган “Байрактор” дрони Россиянинг куплаб замонавий танкларини йўқ қилмоқда.

Шунинг учун бизнинг бўлинмаларимиз бунақанги ривожланган давлатлар армиясининг ҳарбий салоҳиятини ўрганиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда ўқ отиш тайёргарлиги фанининг ўрни беқиёсдир.

Бўлинмалар жанговар шайлигининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бу уларнинг жанговар тайёргарлик жараёнида эгаллайдиган билимларидир. Жанговар ўқитиш ва тарбиялаш назариясида “жанговар тайёргарлик” тушунчасининг остида


Қуролли Кучлар шахсий таркибининг жанговар ҳаракатларни олиб бориши ёки уларнинг мулжалланишидан келиб чиқиб бошқа вазифаларни бажариш учун уларни ўқитиш ва жанговар тарбиялаш тизими тушунилади[1]. Миллий гвардия бўлинмалари ва қисмларнинг жанговар тайёргарлигининг таркибий қисми бўлиб ўз ичига – тактик тайёргарлик, ўқ отиш тайёргарлиги ва жанговар машиналарни бошқариш ҳисобланади. Бўлинмалар жанговар тайёргарлигида ўқ отиш тайёргарлиги ўта муҳим ўрин эгаллайди, чунки отиш тайёргарлиги замонавий жангларида фойдаланилаётган янги қурол-аслаҳа, ўқ дори, ҳарбий техникаларнинг мулжалланиши, умумий тузилиши ва техник таснифларини ўргатади. Ҳарбий хизматчиларни ўқ отиш тайёргарлиги – бу ўқитишнинг ташкиллаштирилган жараёни бўлиб, бунда ўрганувчилар томонидан керакли



бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ўрганишни ўз ичига олади, шунингдек штатдаги мавжуд қуролларидан оқилона фойдалана олиши ва ҳарбий хизматчиларни жанговар ҳолатларда душманни самарали йўқ қилишни ўргатади. У қуролнинг моддий қисмларини, асосларини, ўқ отиш қоидалари ва усулларини, душманни разведка қилиш турлари ва унғача бўлган масофани

аниқлаш, ўқ отишни бошқариш ва расчётларнинг биргаликдаги ҳаракатларини машқ қилишни ўз ичига олади.

Ҳарбий хизматчиларни ўқотар қуролдан ўқ отишга ўргатиш мақсади миллий гвардия бўлинмаларнинг ўқ отиш тайёргарлигининг умумий тизимида амалга оширилади. Ўқитишнинг таркибий схемаси кўйдаги расмда кўрсатилган:



### Ўқотар қуролни қўллашни ўргатиш тизимининг тизимли жадвали

Ўқотар қуролни қўллашни ўргатиш тизими остида мазкур тадқиқотда мақсадларга эришиш ва ўқотар қуролни қўллашни ўргатиш масалаларига йўналтирилган ўқув жараёнининг тузилиши, таркиби ва ўз вазифасини бажарувчи ўзаро боғлиқ элементлар

комплекси тушунилади, ўқ отар қуролни қўллашни ўргатиш тизимининг асосий элементлари бўлиб: бўлинма(қисм)нинг ўқотар қуроли; ўрганувчилар контингенти, ўқотар қуролни қўллашни ўргатишнинг таркиби, ўқув моддий-



техник база, ўқотар қуролни қўллашни ўргатиш услублари.

Тизимнинг дастлабки икки элементининг алоқадорлиги – бўлинма(қисм)нинг ўқотар қуроллари ва ўрганувчилар контингенти, ўқотар қуролни қўллашни ўргатишнинг таркибини ташкил этишлари билан ифодаланади. Бу шахсий таркибни ўқотар қуролдан ўқ отишни ўргатишга сарфланадиган ресурслари: ўқув вақти, ўқ-дорилар, ўқув-машқ воситалари, ва ўқув моддий-техник база объектларининг эксплуатацияси. Офицер ва командирларни ўқотар қуролларни қўллашни ўргатишнинг асосий мундарижаси кушинларни тайёрлаш жанговар тайёргарлик дастурларида белгиланган ва ўз ифодасини топган. Қуролли Кучларини жанговар тайёргарлигини ташкиллаштириш ва уларни тайёрлашга қуйилган асосий талаблар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буйруқларда, ўқув-методик кўрсатмаларда курсатилиб ўтилган, амалий машғулотларни ўтказишда эса – ЎҚ ОТИШ курсларида, жанговар тайёргарлик бўйича меъёрларда ва ўқ отиш тайёргарлиги бўйича қулланмаларда ўз ифодасини топган. Ҳарбий хизматчиларни ўқ отиш тайёргарлигидан ўқитиш тизими курсига қуйидаги бўлимларни ўрганиш ва машқ қилишни ўз ичига олади: қурол ва ўқ-дориларнинг моддий қисмлари; ўқ отиш асослари ва қоидаларини; қурол билан харакатланиш ва ўқ отиш усулларини, нишонларни разведка қилишни ва кузатиш, уларгача бўлган масофани аниқлаш ва мўлжаллашни; ўқ отишни амалга ошириш ва ўқ отишни бошқаришни[2,3,4].

Тадқиқотлар давомида шулар аниқландики, миллий гвардия шахсий

таркибининг ўқ отиш тайёргарлигидаги махоратини, билим имкониятларини, кўникма ва малакаларини, шунингдек замонавий қуроллардан ўқ отиш тайёргарлигининг мавжуд имкониятларини янада юқори даражага ошириш учун кейинги талаблар жорий қилинади:

1. Билиш керак: тузулишини, штатдаги жанговар ўқотар қуроллини жанговар ҳусусиятларини ва ундан тўғри ўқотишни; жанговар қисимларининг ишлаш ҳусусиятларини, жанговар холатларда қуллаш тартибини; шунингдек унга химзмат курсатиш тартибини.

2. Қурол ва ўқ-дориларни ўқ отишга тайёрлашни билиш, уларни доимий равишда жанговар шайликда ушлаш; бириктирилган қурол билан мукамал муомала қилишни билиш, ўқ отишда тусатдан пайдо бўладиган носозликлар ва тутилишларни зудлик билан бартараф қилишни, нишонларни разведка қилишни, уларгача бўлган масофаларни аниқлашни, ва уларни дастлабки ўқ узиш(навбат)лар билан тез ва аниқ йўқ қила олишни, ўқ узишни тўғирлашни(корректировка), метереологик ва баллистик шартларни ҳисобга олган холда кун ва тунда ўқ отишни амалга оширишнинг усулларини қўллашни, парчаланувчи жанговар қўл гранаталарни мохирона улоқтиришни билиш[4].

Ўқ отиш тизимининг ривожлантириш тенденциясининг шароитларида[5,6], изланишларни олиб бориш давомида аҳоли яшаш пунктларида ўқотар қуролларни қуллаш бўйича ўқитиш тизимига зарур бўлган узгартиришларни киритиш. Бундан ташқари, жангни олиб боришда асосий қарама-қаршиликлар, аҳоли яшаш



пунктларида ўқотар қуролларни қуллаш бўйича ўқитиш тизимини, шунингдек нимага ва қандоқ ўқитиш кераклигини ва шу билан биргаликда ҳозирги вақтда қандай ўқитилаётганлигини кўриб чиқиш даркор.

Айтиб ўтилган қарама-қаршиликка нисбатан боғлиқ яна бошқа нарса бор – аҳоли яшаш пунктларида замонавий жанглари олиб бориш қарама-қаршиликлари, шу билан биргаликда белгиланган шараоитларда ўқотар қуролларни қуллаш бўйича ўқитишнинг турлари ва воситалари. Мазкур қарама-қаршиликларнинг маъно-мазмунини шундаки, замонавий шароитларда илм ва технологиялар орқали ҳарбий хизматчиларни ривожланган қуролли жангавор ҳаракатларни янги воситалари билан тўлдириш, бу билан қанчалик қўшинларни тезроқ жихозлаш икони бўлса, бў воситалардан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилиш усуллари шунча тезроқ узлаштирилади[7].

Ўқ отиш машғулотларини ҳақиқий жанг шароитларига яқинлаштириш зарурати уртасидаги қарама-қаршилик бундан ҳам муҳим ва бў яқинлашувлар янада купроқ имкониятлар беради. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўқитишнинг амалий курсини ташкиллаштириш ва ўтказишда, шахсий таркибнинг ҳавфсизлиги билан боғлиқ, аҳоли яшаш пунктларида замонавий жанг шароитини тўлиқ руёбга чиқариб бўлмайди. Лекин энг муҳими ҳарбий хизматчиларни ўргатиш давомида жангавор вазият динамикасининг психологик таъсири билан таъминлашдир.

Белгилангандек таълим тизимининг ривожланишига сезиларли таъсир курсатади ўқотар қуролларни қуллаш

ўқув жараёнининг ички қарама-қаршилигини келтириб чиқаради – таълим мазмуни ҳажмининг ортиши ва уни амалга ошириш имкониятлари ўртасидаги зиддият.

Ўқ отиш қуролларидан фойдаланиш бўйича ўқув мазмуни ҳажмининг ўсиши умуман жангавор тайёргарка ҳос бўлган бир қатор тенденциясида намаён бўлади.

Биринчидан, – бу қуролли кураш воситаларининг ривожланиши натижасида ўрганилаётган объектларнинг сонининг кўпайиши.

Иккинчидан, қўшинларнинг юқори техник ривожланиши бўлинмаларда коллектив қуролларнинг кўплаб миқдори мавжуд бўлишига олиб келди бу эса ҳарбий хизматчилардан бир неча ўзаро алмашинувчи қўшни мутахассисликларни эгаллаш зарурияти ва бўлинмаларнинг жипислашув ролини ортишига олиб келди.

Учинчидан, - бу бўлинмалар ва қисмларнинг жангда бажариши керак бўлган одатий вазифаларнинг сонини ортиб бориши. Мисол тариқасида, айтиб ўтишимиз мумкинки яқиндгина локал ҳарбий можароларда, махсус отрядлар, мобил кучлар, шунингдек тинчлик кучларининг бўлинма таркибида ҳаракатланиши ва бошқа вазифалар.

Тўртинчидан, - бу қуролланган жанг ва уни олиб бориш воситаларининг техник томонидан мураккаблашиши билан юзага келган ҳар бир фан ва мавзулар ҳажмининг мутлақ ортиб боришидир.

Шу ҳақида хулоса қилиш имконияти туғилдики, мазкур зиддиятнинг бир томонини(мавжуд нарсалар ҳажмининг ортиши), бошқа томон(мавжуд нарсаларни ўзлаштириш)га диалектик



равишда таъсир кўрсатади, ва кейинги зиддиятлар тарзида унда акс этади:

1. Ҷумумий ўқ отиш тайёргарлигига нисбатан вақтнинг қисқартирилиши. Хизмат муддатларини қисқариши ва ҳарбий қисмларда жанговар тайёргарликнинг

ташқиллаштирилишини узгармаслиги, ҳар бир янги фанларнинг пайдо бўлиши билан унинг мавзуси ва вазифасини ўрганилишига вақт ажратилиши, шундан келиб чиқиб бошқа фаниг мавзу ва вазифаларини ўрганишга вақтнинг қисқартирилиши. Бу тенденция мазмунни ўзлаштириш имкониятини вақтинчалик чеклаш вазифасини бажаради.

2. Мавжуд нарсаларни муракаблаштириш ва ўқитишнинг янги воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш зарурати ўқув-моддий база ҳажмининг оширишга олиб келади бу эса ўқитиш нархининг оширилиши ва ўқ отиш қуролларидан фойдаланиш бўйича ўқитиш мазмунини ўзлаштириш имкониятини иқтисодий жиҳатдан чеклайди.

Таълим мазмунининг ошириш ва муракаблаштириш жараёнининг

объективлиги билан боғлиқ чунки жанговар бўлинмаларни шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар билан тўлдириш жараёни жуда секин олиб борилади, қарама-қаршиликларни ҳал қилишнинг асосий йўналиши ўқув машғулотларнинг мазмунини синчковлик билан танлаш.

Биргаликда, биз хулоса қилишимиз мумкинки аҳоли яшаш пунктларида ўқ отиш қуролларидан фойдаланишни ўргатиш зарурати долзарб эканлигини; ўқ отиш қуролларидан фойдаланишни ўргатишнинг ташкилий ва услубларини такомиллаштириш; мавжуд нарсаларни такомиллаштириш, янги ўқув қуролларни яратиш ва жорий этишни жадаллаштириш; бўлинма командирларининг амалий ва услубий тайёргарлигини такомиллаштириш.

Ҳарбий хизматчиларга ўқотар қуролларни қуллаш ва улардан фойдаланишни ўргатиш бўйича истиқболли йўлини аниқлаш учун, ўқ отиш қуролларидан отиш бўйича машғулотларни ривожлантиришнинг тарихий жиҳатини, унинг кучли ва заиф томонларини, ўқитишнинг услубий усулларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

## References:

1. Военный энциклопедический словарь. - М. : Воениздат, 1983.- 863 с.
2. Программа боевой подготовки мотострелковых подразделений.- М.: Воениздат, 1995.- 156 с.
3. Огневая подготовка мотострелковых подразделений.- М.: Воениздат, 1988.- 238 с.
4. Огневая подготовка,- Ч.1.- М.: Воениздат, 1978.- 421 с.
5. Воробьев И.Н. Новое оружие и развитие принципов общевойскового боя // Военная мысль.- 1986.- №6.- С.35-45.
6. Гареев М.А. Локальные войны и подготовка войск // 1фасная Звезда.- 1992.- 20 нояб.



7. Сборник боевых примеров. Опыт действий Федеральных войск против незаконных формирований на территории Чеченской республики: ч.1 / А.Г.Байер, П.В.Ващенко и др.- М.: ВАФ, 1997.- 140 с.